

Тўққизинчи зулҳижжа куни Минодан Арафотга равона бўлиш

05:00 / 16.01.2017 3206

Тўққизинчи зулҳижжа куни Минодан Арафотга равона бўлишнинг суннат тариқаси шуки, ўша куни қуёш чиқишини кутиб турилади. Сабийр тоғининг устида қуёш нурлари кўрингач, Арафотга равона бўлинади. (Ботинда) Сокинлик ва (зоҳирда) виқор билан талбия, такбир, таҳлил, зикр, дуолар ва салавотлар ўқиб кетилади. Минодан Арафотга қуёш чиқишидан олдин ёки бомдод намозини адо қилишдан олдин ёки субҳи содиқдан олдин равона бўлиш ҳам ҳаж дуруст бўлса-да, лекин суннатга хилоф ва макруҳдир.

Сабийр тоғи Минодаги бир узун, кенг ва баланд, сиз Минодан Арафот тарафга юзланиб турганингизда, чап тарафингизда жойлашган тоғдир. Қуёш чиқаётганида ўша тоғнинг устидан кўринади.

Заволдан олдин Арафотга етиб борган киши

Заволдан олдин Арафотда вуқуф (туриш) қилган кишининг вуқуфи дуруст бўлмайди. Чунки, вуқуф вақти заволдан кейингина бошланади. Шу сабабли Арафот майдонига заволдан олдин етиб борган киши учун суннат бўлган амал дуо, зикр, талбия ҳамда Расули Акрам соллалоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишда машғул бўлишлиқдир. Агар осон бўлса Раҳмат тоғига яқин бориб вуқуф қилинг. Лекин, шу гапни ёдда тутингки, бу кунда Раҳмат тоғига чиқишни қасд қилманг. Чунки, Арафот куни у ерда жуда хавфли тиқилинч бўлади. Кўпгина одамлар йиқилиб тушади ва кўплари жароҳатланади. Агар Раҳмат тоғининг яқинидан жой тегмаса, тамомий Арафотнинг қайси жойи муносиб бўлса, ўша ерда вуқуф қилинг.

Арафотда пешин ва аср намозлари

Завол бўлган (қуёш оғган) заҳотиёқ пешин намозига азон айтилади. Азондан сўнг имом жума намозидаги каби икки хутба ўқийди. Икки ҳайит хутбасига ўхшаб биринчи хутбанинг бошида 9 марта, иккинчи хутбанинг бошида 7 марта ва охирида 14 марта такбир айтади ва такбир ташриқни ҳам ўқийди ("Дуррул мухтор", "Фатово Маҳмудийя").

Имом хутбадан фориғ бўлгач, пешин ва аср намозлари пешин вақтида алоҳида-алоҳида икки иқомат билан адо этилади. Намоздан кейин вуқуф қилинади.

("Ғунятун носик", "Ийзоҳут Таҳовий").

Арафотда намоз қаср қилинадими?

Имом Молик ҳамда ҳанбалий мазҳабининг кейинги уламолари фикрига кўра, киши муқим бўлса ҳам Арафот, Муздалифа ва Минода тўрт ракъатли намозларни қаср қилиб (икки ракъатдан) адо этади. Чунки, мазкур имомлар ҳаж кунларида тўрт ракъатли намозларни қаср қилиб адо этишни мусофирлар учун ҳам, муқимлар учун ҳам ҳаж амалларидан деб санайдилар. Ҳанафий ва шофеъий мазҳабидаги уламолар эса, ҳаж кунларидаги тўрт ракъатли намозларни фақат мусофир кишигина қаср қилиб адо этади, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли аввалги китобларда намозларни муқим бўлатуриб мусофир каби қаср қилиб адо этадиган ҳаж амири ортидан ҳанафий ва шофеъий мазҳабидаги кишиларнинг иқтидо қилишлари дуруст эмас, деб айтилган.

Дарҳақиқат, намозлар яқин ўтмишгача Макка амири бошчилигида адо қилинар ва у мусофир бўлмаса-да, тўрт ракъатли намозларни қаср қилар эди. Шу боис ҳанафий ва шофеъий мазҳабидаги кишилар унга иқтидо қилиб намоз ўқимас эдилар.

Лекин бугунги кунда Арафот, Муздалифа ва Минода имом бўлиб намоз ўқиб берувчи киши, яъни ҳаж амири Риёздан келади ва у мусофир бўлади. Шунинг учун эндиликда ҳанафий ва шофеъий мазҳабидаги кишилар ҳам унга иқтидо қилган ҳолда намоз ўқишлари мумкин. Агар улар мусофир

бўлсалар, намозларини имом билан бирга салом бериб тугатадилар. Аксинча, муқим бўлсалар, имом салом берганидан сўнг қолган икки ракъатни ҳеч қандай қироатсиз, фақат рукуъ ва сажда билан ўқиб оладилар.

("Ғунятун носик", "Маорифус сунан", "Ал-масолик фил маносик",

"Маносики Мулло Али Қорий", "Ийзоҳут Таҳовий")

Мусофир имомга иқтидо қилиш жоиз

Арафотда ўқиладиган пешин ва аср намозларида муқим кишиларнинг мусофир имомга иқтидо қилишлари жоиздир. Имом пешин намозининг икки ракъатини адо этиб салом берганидан кейин, муқимлар қолган икки ракъатни фотиҳа ва зам сурасиз, фақат рукуъ ва сажда билан мукаммал қиладилар. Ундан сўнг тезда аср намозини ўқиш учун имомга иқтидо қиладилар. Имом икки ракъатдан сўнг салом бергач, муқимлар қолган икки ракъатни пешин намози каби фотиҳа ва зам сурасиз, фақат рукуъ ва сажда билан ўқиб оладилар.

("Ғунятун носик").

Чодир аҳилларининг Арафотда икки намозни жамлашлари

Арафотдаги Намира масжиди имоми ортидан пешин ва аср намозларини пешин вақтида жамлаб ўқиш билиттифоқ жоиздир. Лекин, чодир аҳилларининг мазкур намозларни ўз чодирларида алоҳида жамоат билан адо қилишлари борасида ихтилоф бор. Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ наздларида чодир аҳли учун бундай қилиш жоиз эмас. Соҳибайн роҳимаҳумаллоҳ наздларида эса чодир аҳли учун ҳам икки намозни жамлаш жоиздир. Далилларнинг қувватли эканлиги ҳамда Арафот майдонидаги тиқилинч сабабидан Соҳибайн роҳимаҳумаллоҳ сўзларига мувофиқ фатво бериш лозим. Бу борада икки томоннинг далилларини мулоҳаза қилиб кўринг.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ наздларида икки намозни пешин вақтида жамлаб ўқишнинг олти шарти бор.

1. Ҳажнинг эҳромида бўлиш. حج لابس ماحال
2. Иккала намозни ҳам жамоат билан адо қилиш. امهيف ةعامحال
3. Иккала намозни ҳаж имоми ёки унинг ноибига иқтидо қилиб ўқиш.
 $\text{امهيف هبئان وامظعال امامال}$
4. Пешин намозини аср намозидан олдин ўқиш. $\text{رصعلا لىلع رهظال ميقوت}$
5. Арафот куни заволдан сўнг, аср вақтидан олдин, яъни пешин вақтида бўлмоқ. نامزلا
6. Арафот майдонининг доираси ва ҳудудида бўлмоқ. ناكمل

Олтита шарт шулардир.

Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ наздларида Арафот майдонида пешин ва асрни намозларини жамлаб ўқиш учун мазкур олти шартнинг ҳаммаси бўлиши лозимдир. Агар улардан бирортаси ҳам топилмаса, икки намозни жамлаб адо этиш жоиз эмас.

Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад роҳимаҳумаллоҳ наздларида Арафотда икки намозни жамлаш жоиз бўлиши учун мазкур шартларнинг ҳамма топилиши лозим эмас, балки, фақат тўрттаси, яъни макон, замон, эҳром ва пешинни асрдан олдин адо қилиш бўлса бас. Қолган икки шарт, яъни ҳажнинг имоми ва жамоат лозим эмас.

Имом Абу Ҳанифа ва Соҳибайн роҳимаҳумуллоҳ ўрталаридаги ихтилофдан шундай натижа чиқадики, имом Абу Ҳанифа наздларида ҳожилар давлат

тайин қилиб қўйган имом ортидан жамоат билан намоз ўқисалар, икки намозни жамлашлари жоиздир. Давлат тайин қилган имом ортидан иқтидо қилиб намоз ўқимаган ҳожилар учун чодирда ёки Арафот ҳудудининг бошқа жойида ёлғиз ёки жамоат бўлиб икки намозни жамлашлари жоиз эмас.

Бунга хилоф тарзда Соҳибайн наздларида ўз чодирларида ёки Арафот ҳудудининг қаерда бўлса ҳам жамоат ёки танҳо ҳолда намоз ўқувчилар учун ҳам икки намозни жамлаш жоиздир. Кейинги ҳанафий фуқаҳолар имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг сўзларини рожиҳ (қувватлик) деб айтганлар. Бу ерда савол бир савол туғилади. Имом Абу Ҳанифа ва Соҳибайн роҳимаҳумуллоҳ ўрталаридаги бу ихтилофнинг асл бунёди нима?

“Иноя” китоби соҳиби фикрига кўра ихтилофнинг асоси шуки, имом Абу Ҳанифа наздларида асрни муқаддам қилиб пешин вақтида ўқишликнинг асосий иллоти (сабаби), ҳаж имоми билан бирга жамоатни муҳофаза қилиш, яъни сақлаб қолишдир. Соҳибайн наздларида эса имтидоди вуқуф, яъни узоқ муддатгача Арафотда туриш учун вақтни таъминлашдир. Бу иллат (сабаб) барча ҳожилар учун омдир, яъни бу уларнинг ҳаммасига керакдир. Шу сабаб чодир аҳиллари учун икки намозни жамлаш жоиздир. “Ғунятун носик” соҳиби бу масала ҳақида етарлича тафсилотларни ёзгандан сўнг имом Абу Ҳанифанинг гапларини қувватлаш учун мана бу иборани келтирадилар.

Арафотда суннат ва нафл намоз ўқиш

Арафот майдонида пешин ва аср намозлари адо қилинган, шомгача бирор намоз ўқиш машруъ (шаръий жиҳатдан дуруст) бўлмайди. Чунки, аср намозидан кейин нафл ёки суннат намоз ўқиш жоиз эмас. Шунинг учун ҳожилар Арафотда турган вақтларида ҳеч қандай нафл намоз ўқимасликлари лозим.

(“Ғунятун носик”).

Зулҳижжанинг тўққизинчи куни Арафотда ҳожиларнинг рўза тутмоғи

Зулҳижжанинг тўққизинчиси, яъни арафа куни ҳаж қилмаётганлар учун рўза тутмоқ мустаҳабдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кишининг арафа кундаги рўзаси унинг бир йил олдинги ва бир йил кейинги гуноҳлари учун каффорат бўлади", деб марҳамат қилганлар.

("Сунани Термизий")

Лекин бу кунда Арафот майдонидаги ҳожиларнинг рўза тутмасликлари афзал ва яхшироқдир. Чунки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, хулафои рошидийнлар ҳам Арафотда рўза тутган эмаслар.

("Сунани Термизий", "Нухабул афкор", "Ийзоҳут таҳовий")

Қуёш ботишидан олдин Арафот ҳудудидан чиқмоқ

Арафа куни қуёш ботишидан олдин ҳожиларнинг Арафот ҳудудидан чиқиб кетишлари жоиз эмас.

Агар бирор киши тасодифан Арафот ҳудудидан ташқарига чиқиб кетса, қуёш ботишидан олдин яна унга қайтиб кирмоқлиги вожибдир. Агар бирор киши тикилинч ёки бошқа узр сабабли Арафот ҳудудидан ташқарига чиқса-ю, қуёш ботишидан олдин қайтиб Арафотга кирмаса, унинг зиммасига каффорат тарзида бир қурбонлик вожиб бўлади.

("Роддул муҳтор").

Намира масжидида вуқуф қилмоқ

Пешин ва аср намозлари жамлаб ўқилганидан кейин, Намира масжидида вуқуф қилмоқчи (турмоқчи) бўлган кишилар шуни билмоқлари ниҳоятда зарурийки, Намира масжидининг ярим ҳиссаси Арафот ҳудудидан ташқарида жойлашгандир. Бу ҳиссада вуқуф қилиш (туриш) билан Арафотдаги вуқуф фарзи адо бўлмайди. Узун ва кенг майдонга бино қилинган бу масжид ичидаги баъзи жойларга Арафот ҳудуди тугаганини кўрсатувчи белгилар ўрнатилган. Уларда араб, форс, урду ва инглиз тилларида "Шу ердан бошлаб Арафот ҳудуди тугади", деб ёзиб қўйилган. Агар бирор киши ўша ҳиссада вуқуф қилиб, шом пайти у ердан чиқиб кетишда Арафот тарафдаги ҳиссага кириб ўтмаса, унинг ҳажи ҳаж бўлмайди. Унга келгуси йилларда ҳажнинг қазосини адо этмоқ лозим бўлади. Кўп одамларни кўрамизки, имомга яқин бўлиш мақсадида ўша ҳиссага бориб туриб оладилар. Бундай кишиларнинг ҳажи хатарда қолади. Шунинг учун буни ёдда сақлаш ҳар бир ҳожига зарурийдир.

("Ғунятун носик").

Урана водийсида вуқуф қилмоқ

Намира масжидининг қибла томонида Урана номли водий бор. У Батни Урана ҳам дейилади. Намира масжидининг тахминан ярим қисми бу водийга тегишлидир. У эса Арафот ҳудудидан ташқаридир. Демак, Намира масжидининг ярми Арафотда, қолган ярми Урана водийсида жойлашган экан. Шунинг учун кимки Намира масжидининг Урана водийсидаги ҳиссасида туриб, у ердан чиққач, тўғри Муздалифага жўнаб кетса, унинг ҳажи ҳаж бўлмайди. Унинг зиммасига келгуси йилларда иккинчи бор ҳаж қилиш лозим бўлади. Бу ҳукм масжиддан ташқарида, урана водийси майдонида вуқуф қилган кишиларга ҳам тегишлидир.

("Ҳидоя", "Ғунятун носик").

Заволдан олдин вуқуф дуруст эмас

Агар бирор киши заволдан (пешиндан) олдин Арафот ҳудудига кириб, у ердан яна завол бўлмай туриб чиқиб кетса ва шомгача Байтуллоҳга келиб,

тавофи зиёратни ҳам қилиб олса, унинг ҳажи дуруст бўлмайди. Чунки, Арафотда вуқуф қилиш вақти заволдан кейин бошланади. У эса Арафотда завол бўлмай туриб вуқуф қилди. Шу сабабли унинг қилган бу вуқуфи шаръан эътиборга олинмайди. У гўёки вуқуф қилмагандай бўлади.

("Ғунятун носик")

Кечаси қилинган вуқуф

Агар бирор киши Арафотга қуёш ботиб, ҳожилар у ердан қайтиб бўлган пайтда етиб келса ва вуқуф қилса, бу суратда унинг вуқуфи дуруст бўлаверади. Кечаси вуқуф қилгани сабабидан унга бирор каффорат ёки қурбонлик лозим бўлмайди. Албатта, агар киши заволдан кейин (кундузи) вуқуф қилса, сўнг қуёш ботишидан олдин Арафотдан чиқиб кетса, унинг қуёш ботишидан олдин Арафотга яна қайтиб кирмоғи вожибдир. Агар бу вожибга амал қилмай, Арафотга қуёш ботгандан кейин қайтиб кирса, унга жарима қурбонлиги вожиб бўлади.

("Ғунятун носик", "Ал-масолик фил маносик").

Қуёш ботгандан сўнг, ҳаж амиридан олдин Арафотдан чиқмоқ

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Арафотдан қуёш ботмай туриб чиқиш қурбонликни вожиб қилади. Қуёш ботгандан сўнг, ҳаж амиридан олдин у ердан чиқиб кетиш макруҳдир, лекин бунинг сабабидан бирор каффорат вожиб бўлмайди.

("Ғунятун носик").

Арафотдан чиқишдаги тартибсизлик

Кўпгина одамлар қуёш ботишидан анча олдин Арафот дарвозасига яқин келиб тиқилинч пайдо қиладилар. Полиция ҳодимларининг қаттиқ

назорати остида шомгача йўллар тўсиб турилади. Йўлларнинг олд томондан тўсиб қўйилиши ҳамда орқа томондан инсонларнинг селдай оқиб келиши натижасида кўплаб одамлар икки томоннинг сиқуви остида беҳуш бўлиб йиқилдилар. Кўплари шифохонага олиб кетилади, баъзилари эса ҳаётдан кўз юмадилар.

Шунинг учун сиз бу вақтда Аллоҳ таолога дуою илтижолар қилишда машғул бўлиб тураверинг. Қуёш ботиб, жўнаш вақти бўлганини билдирувчи тўп овози эшитилганидан кейин юришни бошланг. Дарвозага етиб боргунингизча у ердаги тиқилинч анча камаяди. Аллоҳ таолонинг миллионлаб мақбул бандалари қатори сиз ҳам талбия, такбир, таҳлил, истиғфор ва саловатлар айтиб, хотиржамлик ва сокинлик билан Муздалифагача бўлган йўлни (имкон бўлса) пиёда босиб ўтинг. Чунки, пиёда юришда машина ва араваларга нисбатан анча енгиллик бор.

Муздалифаги вуқуф (туриш)ни узр сабабли тарк қилиш

Агар Муздалифада қаттиқ тиқилинч бўлса ёки жамраи Ақабанинг рамийсида қаттиқ издихом ҳатари бўлса, шу суратда қувватсиз хотинлар ва заиф эркаклар учун вуқуфи Муздалифани тарк қилишга рухсат бор ва унга бирор фидя ёки қурбонлик ҳам лозим бўлмайди. Яна издихом сабабидан Муздалифага етиб борса қуёш чиққан бўлса, вуқуфи Муздалифани фавт қилгани учун фидя лозим бўлмайди. Издихом ҳатари сабабидан Саркар соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳажжатул вадодо унга рухсат берганлар, лекин улар Минода издихомдан олдин тош отиб олиш мақсадида вуқуфи Муздалифани тарк қилса унинг тарафидан тош отишда ноиблик жоиз эмас. Шунинг учун агар ўзи тош отмаса, фидя бериш лозим бўлади.

Муздалифа вуқуфининг вақти

Муздалифадаги вуқуф (туриш)нинг вақти қурбонлик куни, яъни ўнинчи зулҳижжанинг тонги отишидан то қуёши чиқишигача бўлган пайтдир. Шунинг учун, агар бирор киши тонг отишидан олдин ёки қуёш чиққанидан

кейин Муздалифада вуқуф қилса, унинг вуқуфи имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздларида дуруст бўлмайди. Унга Муздалифа вуқуфини тарк қилгани сабабли жарима сифатида бир қурбонлик вожиб бўлади.

("Раддул муҳтор", "Фатово Тоторхонийя")

Муздалифа вуқуфини узрсиз тарк қилишнинг жаримаси

Муздалифадаги вуқуф (туриш) тўрт имомнинг наздида ҳам вожибдир, албатта, (ҳанафий мазҳабида) бомдод вақтида бўлиш шарти билан. Уни узрсиз тарк қилган кишига бир жарима қурбонлиги вожиб бўлади.

("Ғунятун носик", "Фатово Тоторхонийя")

Муздалифадан жўнашнинг суннатга мувофиқ тариқаси

Муздалифадан жўнаш суннатга мувофиқ бўлиши учун у ердан Минога қуёш чиқишидан сал олдин равона бўлиш керак (Минога хоҳ қуёш чиқишидан олдин етиб борсин, хоҳ кейин).

("Ғунятун носик").

Муздалифадан Минога бориш учун энг яхши йўл

Муздалифадан Минога бориш учун бир нечта йўллар бор. Агар имкон бўлса, улар ичидан тўғри Жамаротга олиб борадиган "Тариқул мушот" ("Пиёдалар йўли") номли ўрта йўлни танлаш афзалдир.

("Ғунятун носик").